

**БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**



Тошибоева Саидахон Раҳмонбердиевна,

Фарғона давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва уларнинг ўз ижодий қобилиятларини қўллаш, шунингдек, замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишлари ҳақида фикр юритилган.

Аннотация: В данной статье рассматривается развитие творческих способностей будущих учителей начальных классов и использование ими творческих способностей, а также использование современных инновационных технологий.

Abstract: This article discusses the development of creative abilities of future elementary school teachers and their use of creative abilities, as well as the use of modern innovative technologies.

Таълим сифатини ошириш ўқитувчи ва ўқувчиларни интеллектуал савиёсини, билим олиш ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш муаммосини ҳал қилиш зарурияти кўп жиҳатдан ўзрао боғлиқ саналади.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини малакавий амалиёт жараёнида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиси ўз билим ҳамда ижодий қобилиятларини амалиётда қўллаш, таълим тизимига янгиликларни жорий қилиш, ўз ижодий меҳнати билан ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиши ва тарбиялаш каби кўнікмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг методологик асосини ишлаб чиқиласганлиги билан ифодаланади.

ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ

Таъкилаш лозимки, мактабларимизда бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий фаолиятга тайёрлигини шакллантириш муаммоси ҳали ҳануз етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Тадқиқот ишларимиз олдида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини бошланғич синф ёш ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ўз ижодий қобилиятларини қўллаш ва замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишга ҳар томонлама тайёрлаш (таълим бериш) вазифаси турибди.

Б.М. Теплов, Л.С. Виготский, С.Л. Рубинштейн, Г.И. Батурина каби машҳур олимлар ижоднинг психологик-педагогик жиҳатларини ижодкор шахсни шакллантиришда энг муҳим жиҳатлар деб ҳисоблашади.

В.А. Кан-Калик ва Н.Д. Никандровлар ўзларининг “Педагогик ижод” деб номланган асарида идеал педагогнинг ахлоқий аспектига жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишади. Асарда “ижод жараёни – тинимсиз пайдо бўладиган педагогик вазифаларни ҳал қилиш жараёнидир”¹, деб кўрсатади.

М.Лутфуллоев “Бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш педагогик ОТМнинг парталаридан бошланади. Олий таълимнинг битирувчиси ўқитиш ва тарбиялашнинг янги технологияларининг тадқиқотчиси, ишлаб чикувчиси бўлиши зарур”, деб фикр беради².

М. Лутфуллоев ижод муаммосини ўрганишда – ижод ҳаётнинг энг муҳим омили ва инсоннинг барча неъматларининг манбаи ҳисобланади, деган фаразни илгари суради. Муаллиф фаол ва қобилиятли ўқувчилар билан ишлашнинг турли шакллари ва методларини таклиф қиласади.

Ижодий қобилиятларни ривожлантириш муаммосининг долзарблиги жамиятнинг ўз қобилиятларини максимал даражада мамлакат тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этадиган шахсга бўлган эҳтиёжининг ортгани билан изоҳланади.

Ижодкорлик қобилияти – бошланғич синф ўқитувчисининг асосий сифатларидан бири, унинг касбий фаолиятда муваффақиятининг гарови саналади.

¹ Кан - Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. -М.: Педагогика, 1990.- с. 45

² Лутфуллоев М. Современная дидактика. (Дидактикаи мусор). На тадж. языке. - Душанбе, 2001. - 331с.

Ижод инсон ва жамиятнинг фаоллиги ва мустақил фаолиятининг юксак шаклидир. Ижодда янгилик элементи мавжуд, ўзига ҳос ва маҳсулдор фаолиятни, муаммоли вазиятларни ечиш қобилиягини, эришилган натижага нисбатан танқидий муносабат билан биргаликда маҳсулдор тасаввурни тақозо этади³.

Рус файласуфи П.К.Энгельмеер “Ижод назарияси” асарида ижодий механизмларни тўғрисида илк бор маълумот берган. Энгельмеер “Инсоннинг ижоди табиат ижодининг давомидир. Ҳар иккиси ҳам ҳеч қачон ва ҳеч қаерда узилмаган битта қаторни ташкил қиласди, чунки ижод ҳаётнинг бир қисмидир, ва ҳаёт эса ижоддир” деган фикрни беради⁴.

Я.А.Пономаревнинг ишларида ижод - кенг маънода - ривожланиш механизми, такомишишига олиб келадиган ўзаро фаолият сифатида қаралади⁵.

А.Н.Лук ижод ва ижодий қобилият механизмининг назарий асосларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган. Муаллиф ўзининг “Фикрлашга ўргатиш” асарида, - ижодий ютуқларга эришиш учун фикрлаш механизмларини ишга туширадиган “куч” керак деб ҳисоблайди. Бошқача қилиб айтганда, хоҳиш, ирода ҳамда мотивацион асос бўлиши зарур”⁶.

О.А. Абдуллина, Ю.П. Азаров, Ш.А. Амонашвили, Ю.К. Бабанский, С.Г. Вершловский, Ф.Н. Гоноболин, Ю.Б. Зотов, Д.Б. Эльконин ва бошقا олимларнинг тадқиқотларида ижоднинг психологиясни назарий жиҳатлари келитирилган.

Бизнингча, ижод янги ва ғайриоддий нарсаларни яратишга йўналтирилган ҳаракатларсиз мавжуд бўлмайди. Ижод маҳсули айнан фаолият жараёнида туғилади. Ижодий қобилиятларнинг ривожланишига турли шароитлар қулай замин яратади. Талабаларни рағбатлантириш, иқтидорли талабаларни қўллаб-куватлаш учун шарт-шароитларни яратиш таълим жараёнининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Биз бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини малакавий амалиёт жараёнида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз, чунки айнан шу

³ Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. М.: Педагогика, 1987.-с. 159

⁴ Энгельмейер П.К., Теория творчества. //Интернет ресурсы. Спб, 2010 г.

⁵ Пономарев Я.А. Психология творчества и педагогика. -М: Педагогика, 1976.-с.116

⁶ Лук А.Н. Учить мыслить. -М.:Знание, 1975.- с. 48

жараён давомида бўлажак ўқитувчилар олган билим, малака ва кўникумларини қўллаш, реал педагогик фаолиятда ўз имкониятлари, қобилиятлари ва салоҳиятларини амалга оширишга бўлган шахсий мотивацияни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш имкониятига эга бўладилар.

Биз бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини малакавий амалиёт жараёнида ривожлантириш учун нафақат талабанинг дарсларга қандай тайёргарлик қўриши, балки унинг дарсни қандай тақдим этиши, ўқувчиларга қандай таъсир қўрсатишига ҳам эътибор бериш керак, деб ҳисоблаймиз. Бўлажак педагог сифатида малакавий амалиётда иштирок этаётган талаба болаларнинг ўқишига бўлган қизиқишини уйғотиш учун дарсни ташкил этишда ташаббускорлик, ўз тасаввури, кашфиётчилик, ижодий ёндашувни намоён қилиши керак, чунки бу ижодий қобилиятларни қўллаш ва юксак малакали мутахассис бўлиш йўлидаги биринчи қадам саналади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. М.: Педагогика, 1987.
2. Кан - Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. - М.: Педагогика, 1990.
3. Лук А.Н. Учить мыслить. -М.:Знание, 1975.
4. Лутфуллоев М. Современная дидактика. (Дидактикаи мусир). На тадж. языке. - Душанбе, 2001.
5. Пономарев Я.А. Психология творчества и педагогика. -М: Педагогика, 1976.
6. Энгельмайер П.К., Теория творчества. //Интернет ресурсы. Спб, 2010 г.